

“Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari” elektron ilmiy jurnali



№ 1 (5), yanvar-mart, 2022-yil

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ

Шарифи Ахмад Сухроб

(Афғонистон Ислом республикаси)

Термиз давлат университети магистри

Аннотация. Миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган тузилмавий-таркибий ўзгаришлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга муҳим таъсир кўрсатмоқда. Мақолада давлат солиқ сиёсати, солиқ механизми таҳдил қилинганд. Шунингдек, мақолада бу жараёнларда рақамлаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ механизми, солиқ тизмини рақамлаштириш, рақамл трансформация, my.soliq.uz

Кириш

Бугунга келиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, ушбу соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, тармоқ ва соҳа фаoliyatini амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳа ва тармоқларга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни мақсадли йўналтириш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашда муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда [1]. Бугунги кунда солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали – my.soliq.uzда жисмоний ва юридик шахсларга интерактив хизмат

кўрсатилади. Солиқ тўловчиларнинг порталда шахсий кабинетлари мавжуд в у орқали солиқ органлари билан алоқа ўрнатиш ва солиқлар бўйича турли операцияларни амалга ошириш мумкин.

Портал солиқ тўловчиларнинг асосий ёрдамчисидир. Унда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, солиқларни тўлаш, солиқ декларациясини тақдим этиш, солиқ калькулятори химзатларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 19-моддасига мувофиқ, солиқ муносабатлари субъектлари бўлиб, солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар ҳисобланишади. Ушбу Кодексга

мувофиқ зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юқлатилган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар деб эътироф этилади. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва бюджет тизимиға ўтказиш мажбурияти юқлатилган шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади. Кодексга асосан ваколатли органларга давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари, йиғимларни ундириш функциясини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар киради [2].

Таъриф бўйича жисмоний ва юридик шахслар давлат солиқ сиёсати субъектлари ҳисобланышмайди. Чунки юқоридаги таърифда кўрсатилганидек, давлат солиқ сиёсати субъектлари бўлиб, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобланади. Аммо, солиқ ва тўловлар ёки уларнинг айrim элементларини ўрнатиш, ўзгартириш ёки тугатиши бўйича ваколатига эга бўлган давлат солиқ сиёсати субъектларини чегаралаш бизнинг назаримизда мақсадга мувофиқ эмас. Давлат солиқ сиёсати таркибида қонунчилик билан бирктирилмаган унсурлар ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли давлат солиқ сиёсати субъектларига мамлакат солиқ сиёсатига бевосита ёки билвосита таъсир ўтказиш имкониятига эга турли давлат органлари ҳам киритилиши мумкин. Шундай қилиб, давлат солиқ сиёсати субъектлари нафақат маҳсус вазирлик ва муассасалар, балки давлат сиёсати (солиқ бўйича ҳам) ни ва бошқа устуворликларни белгиловчи (ўрнатувчи), солиқ сиёсати масалалари бўйича ҳуқукий ташабbusлар кўрсатиши ҳуқуқига эга бўлган органлар ва лавозимдаги шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Методлар

Бизга маълумки, миллий иқтисодиёт тармоқлари фаолияти давлат иқтисодий сиёсатининг қуйидаги йўналишлари асосида қўллаб-қувватланади. Жумладан:

- солиқ сиёсати орқали;
 - пул-кредит сиёсати орқали;
 - инвестиция сиёсати орқали;
 - нарх сиёсати ва бошқалар орқали.
 - Тадқиқотга оид адабиётлар таҳлили
- Солиқ сиёсти концепцияси А.Э. Сердюков, Э.С. Вылкова ва А.Л. Тарасевичлар томонидан жуда ишонарли таклиф қилинган. Ушбу муаллифлар тадқиқотлар натижасида давлатнинг солиқ сиёсати тушунчасига

ўзларининг қуйидагича таърифларини беришди: “давлатнинг солиқ сиёсати - давлатнинг умумий иқтисодий стратегияси доирасида солиқ солиш масалаларини комплекс ҳал қилишда муайян давлатнинг тарихий ривожланишини тегишли босқичида унинг манфаатлари ва мақсадларини ҳисобга олиб, амалга ошириладиган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари фаолияти” [3]. Аммо, муаллифларнинг ушбу таърифида давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги қарама-қаршилик тушунарсизлигича қолмоқда. Маълумки, давлат бошқарув органлари давлат ҳокимиятига тегишли. Шу билан бирга муаллифлар солиқлар соҳасидаги маҳаллий бошқарув органлари имкониятларини (гарчи унчалик кенг бўлмаса ҳам) ҳисобга олмадилар. Шундай қилиб, бизнингча, бу органлар ҳам давлатнинг солиқ сиёсати субъектлари ҳисобланади.

В.Г. Пансков томонидан берилган таърифга кўра, “солиқ сиёсати молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш орқали давлатнинг, жамиятнинг айrim ижтимоий гуруҳларни молиявий эҳтиёжларини қондириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида мамлакат солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий чоралари мажмуидир” [4]. Ушбу таърифда, нафақат давлат манфаатлари (маълум бир ривожланиш босқичида), балки алоҳида ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳам ҳисобга олинган. Бироқ, охирги икки мақсад солиқ сиёсати мақсадларига эмас, балки давлатнинг ўз мақсадларига тегишилидир.

М.В.Карп қуйидаги таърифни беради, “солиқ сиёсати мамлакатнинг ўрта ва узок муддатли келажакка мўлжалланганлиги умумий молия сиёсати ва ўз ичига солиқقا тортиш соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизимлари ҳамда солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни олади”. Аммо солиқ механизми деганда солиқ тизими тушунилади, давлат фаолиятини концепцияси давлат солиқ сиёсатининг асосий унсури ҳисобланмайди.

С.В.Барунин бошчилигидаги муаллифлар жамоаси эса солиқ сиёсатига давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати таркибидаги “солиқ жараёнларини бошқариш соҳасида ўтказадиган стратегик ва тактик тадбирлар

мажмуасини ташкил этиб, у мазкур босқичда маълум бир иқтисодий ва ижтимоий қийматли натижа (самара) га эришиш мақсадида фискалъ, тартибга солиш ва назорат вазифаларини имкони борича максимал даражада амалга оширишга йўналтирилгандир” деб таъриф беради [5]. Ушбу таърифга эътибор берилса, авваломбор унинг айрим қисмлари (солиқ вазифалари) ортиқча, иккинчидан, солиқ сиёсатига нафақат турли чора-тадбирлар, балки ғоялар, тамойиллар, назариялар ҳам киради.

В.Н.Едронова ва Н.Н. Мамыкиналар „солиқ сиёсати“ категориясига „солиқ муносабатларини тартибга солиш бўйича солиқ сиёсати субъектларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий мажмуаси“ сифатида қарашади [6].

А.Ўлмасов, А.Ваҳобов ва Ш.Р.Қобилов таъкидлашича, “солиқ сиёсати солиқлар воситасида бюджетга пул тўплашга қаратилади. Унга биноан солиқ турлари аниқланади, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган обьектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби белгиланади”[7].

Н.Б.Ашуррова фикрича, “солиқ сиёсати иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий муносабатларни ўзида мужассам этган ҳолда солиқ тизими орқали давлат ва алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун молиявий ресурсларни қайта тақсимлайди”[8].

Натижалар

1. Корхонанинг солиқ сиёсатидан фарқли жиҳати шундаки, у давлат ҳокимиятлари ва маҳалий ўз-ўзини бошқариш органлари тадбирлар тизими ҳисобланади.

2. Давлатнинг ижтимоий, ҳарбий сиёсатидан фарқи шундаки, у давлат иқтисодий стратегияси таркибий қисмидир.

3. Давлатнинг тартибга солиши императив-диспозитив(иқтисодий-ҳуқуқий) характерга эга.

4. Кредит, пул сиёсатидан фарқли жиҳати, солиқка тортиш масалаларини комплекс ҳал этишdir.

5. Солиқ назарияси ва солиқка тортиш тарихидан фарқли, мазкур сиёсат тарихий қизиқиш ва аниқ бир давлат мақсадларини ҳисобга олишга йўналтирилган.

Натижада юқоридаги барча хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган давлат солиқ сиёсатининг қуийдаги тхulosага келиш мумкин. Давлатнинг солиқ сиёсати-бу

императив-диспозитив характерга эга, давлатни умумиқтисодий стратегияси бир қисми бўлган, маълум бир давлатнинг мақсад ва тарихан юзага келган қизиқишларига мос ҳолда солиқ солиш масалаларини комплекс ҳал қилаоладиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тадбирлар тизими.

Натижада биз солиқ механизми деган мураккаб тушунчани тадқиқ этишга келдик. Агар “солиқ” атамаси иқтисодиётга тегишли бўлсада, хусусан, соф молиявий категорияга мантиқан тўғри келиши солиқ механизмини мамлакат иқтисодиёти фаолияти умумий иқтисодий механизмининг бир қисми сифатида молиявий соҳалардан бири эканлигини тасдиқлади.

Бу механизмни мукаммал юритилиши солиқ тизимида ҳам АКТ технологияларини кенг жорий этиш, ҳамда солиқ органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш тизимни талаб қиласди.

Муҳокама

Иқтисодиёт соҳасига оид адабиётларда эса хўжалик механизми, одатда, маълум шароитда иқтисодий қонуниятлар ва ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатга келтириш воситаси хизматини ўтайдиган шакл ва усуllар ҳамда ҳуқуқий нормалар умумлашмаси сифатида талқин қилинади. Бу талқинга амал қиласдиган бўлсан, “хўжалик механизми”ни бирор-бир замон ва макон доирасида маълум қонуниятлар асосида ўз-ўзидан ҳаракат қиласдиган ҳодиса кўринишида тасаввур қилиш лозим бўлади.

Маълумки, 2007 йилда иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофоти Лео Гурвиц (Leo Hurwicz), Рожер Мейерсон (Roger Myerson) ва Эрик Маскин (Eric Maskin)ларга “иқтисодий механизм назариясига қўшган бекиёс хизматлари” учун берилган эди. Мукофот соҳиблари эътирофича, иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳар кандай субъектларнинг ўзаро муносабати ўйин стратегиясини тақозо этади ва бу муносабат ўйин шакли механизмидир [10].

Молия назариясидан маълумки, молиявий механизм деганда, муносабатлар субъектининг муносабатлар обьектига таъсир қилиш воситалар тўплами тушунилади. Бундай ёндашув жуда кенг. Баъзи иқтисодчи олимлар солиқ механизмини “аниқ бир тарихий даврда солиқка тортишни таъминлайдиган солиқ усуllари ва воситалари (тутқичлари) мажмуи”,

“солиқ солишини бошқаришнинг ташкилий-хуқуқий шакллар, усуллар ва воситалар мажмую” деб таърифлайдилар [11].

Айрим иқтисодчи олимлар солиқ механизмини солиқ тизимини бошқаришга киритиб, “амалиётда солиқ сиёсати солиқ механизми орқали амалга оширилади ... Солиқ механизми - бу солиқ тизимини бошқариш бўйича ташкилий, хуқуқий нормалар ва усуллар мажмудидир” [12]. Бошқача қилиб айтганда солиқ механизми- бу солиқ муносабатларини ташкил қилиш усуллари йиғиндиси бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ривожланишда қулай шарт-шароитлар таъминлаш учун давлат томонидан қўлланилади [13].

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида рақамлаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам бошқа мамлакатлар иқтисодиёти қатори COVID-19 пандемияси салбий оқибатлари билан тўқнаш келди. Карантин чеклов чораларини киритиш шароитида эпидемиологик ҳолатнинг сезиларли ёмонлашуви ҳамда иқтисодий фаолликнинг пасайиши бюджет-солиқ сиёсатини юмшатиш, соғлиқни сақлаш харажатлари ортиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўришни тақозо этди. Аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва натижада солиқ тўловчиларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини

ошириш мақсадида солиқ тизимида интерактив хизматлар ташкил қилинди.

Солиқ тизими электронлаштиришда хизматлар қуляй навигацияли блоклар буйича амлга оширилади. Булар «Шахсий маълумотлар», «Ҳисоб китобларнинг жорий ҳолати», «Солиқ органлари билан ёзишмалар», «Фойдали маълумотлар» бўлимлариdir.

Хулосалар

Солиқ механизмининг иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолдаги аҳолининг ҳар хил ижтимоий грухлари даромадларини тартибга солиш вазифалари қўйилган. Ўрнатилган солиқ ставкаси миқдори шундай оптимал даражада бўлиши керакки, барча аҳоли ижтимоий грухлари учун солиқ ставкаси миқдори уларни яна ҳам кўпроқ даромад олишдаги ташабbusлари ва манфаатларига зид бўлмаслиги керак, аҳоли ва солиқ органлари ўртасидаги алоқалар қўлий қилиб таашкил қилиниши лозим.

Хулоса қиласидиган бўлсак, солиқлар давлат бюджетини даромадлар билан тўлиқ таъминлашнинг асосий манбаси ҳамда иқтисодиётни бошқариб турувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам солиқ механизми кенг қамровли айни пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ, корхонага алоҳида мослашувчан бўлиши лозим. Шунингдек, бу соҳада ҳам рақамли трансформацияни амалга ошириш талаб қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>
3. Сердюков А.Э., Вылькова Е.С., Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2005. – 752 с.
4. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: Учебник для вузов. – 7-е изд., доп. и перераб. – М.: МЦФЭР, 2006. – 592 с.
5. Барулин С.В., Макрушин А.В., Тимошенко В.А. Налоговая политика России. – Саратов: Сателлит, 2004. – 167 с
6. Едронова В.Н., Мамыкина Н.Н. Сущность и элементы налоговой политики // Финансы и кредит. – 2005. – №5. – с. 37-40
7. А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик -Т.: “Шарқ”, 2006. - 480 6.; Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 775 б.
8. Ашуррова Н.Б. Ўзбекистон республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари//Иқтисод ва молия / экономика и финансы № 11, 2012. -73-78 б.

9. Райзберг Б. Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь, - М.: Инфра-М. 1997.-486с.
10. Теория экономических механизмов (Нобелевская премия по экономике 2007 г. часть №1) Vol. 97. No 1. P. 169-179
11. Сердюков А.Э., Вылкова Е.С., Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2005. – 752 с
12. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: Учебник для вузов. – 7-е изд., доп. и перераб. – М.: МЦФЭР, 2006. – 592 с
13. Солиқ назарияси: Ўқув қўйлланма/ Муал.: А. Жўраев, О. Мейлиев, Ф. Сафаров. – Т.: Тошкент Молия институти, 2004. –166 б.
14. Налоги и налогообложение: Учебник / Д.Г. Черник и др. – М.: ИНФРА-М, 2001. – 415 с.
15. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/die/economic/la\w>. - 7156.
16. <http://abc.informbureau.com/html/oicssenoaaiiue/iaoaieci.html>

